

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2020 йил – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2020 йил 24 декабрь, № 271 (7773)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ТАШҚИ САВДО СОҲАСИГА ДОИР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 23 декабрь куни инвестициялар ва ташқи савдо соҳасидаги ишлар натижадорлиги ҳамда 2021 йилга мўлжалланган асосий вазифалар муҳокамаси бўйича йиғилиш ўтказди.

Коронавирус пандемияси бугун дунё иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатди. Айниқса, экспорт ва инвестиция жараёнларида турли қийинчиликлар юзага келди.

Мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича олдиндан кўрилган чоралар ўз натижасини берди. Жорий йилда 6,6 миллиард доллар тўғриварида тўғривари сармоялар ўзлаштирилди. Шунингдек, йил якуни бўйича 15 миллиард долларлик экспорт амалга оширилди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари 2021 йил ҳам иқтисодиёт учун осон бўлмаслигини, шу боис инвестициялар жалб қилиш, ўзлаштириш ва экспорт прогнозларини таъминлаш, импорт ўринини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун ҳозирданок аниқ, манзилли чоралар кўриш зарурлигини таъкидлади.

Келгуси йили 7,5 миллиард доллардан зиёд тўғривари сармояларни ўзлаштириш мақсад қилинган. Йиғилишда ушбу маблагни ҳар бир лойиҳа бўйича тўлиқ ва муддатда ўзлаштириш чоратадбирлари белгиланди. Бундай сармоялар ҳисобига 226 та ийрик лойиҳани ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича аниқ чораларни кўриш топширилди.

Акс садо

ЭЗГУ ТАШАББУСЛАР ИЛМ-ФАН РИВОЖИДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА

Президентимиз раислигида шу йил 18 декабрь куни МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда давлатимиз раҳбарининг сўзлаган нутқи нафақат юртимиз зиёлилари, балки кўлаб ҳорижий илм-фан соҳаси вакилларида ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Президентимиз мажлисда МДХнинг улкан салоҳияти ўзаро ишонч ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш йўллари топиш учун хизмат қилишига ишонч билдирди.

Маълумки, собиқ иттифок даврида МДХга аъзо давлатларнинг фан ва таълим соҳасидаги ҳамкорлиги яхши эди. Ўшларимиз чет давлатлардаги етакчи университетларда таълим олиш имконига эга бўлган, олимларимиз собиқ иттифокнинг дунёда тан олинган илмий марказларида илмий фаолият юритган. Бундай шароит фан ва таълимни юқори даражада сақлаб туришига имкон яратган.

Масалан, математика соҳасида етакчи бўлган Москва, Санкт-Петербург, Новосибирск, Киев ва бошқа шаҳарлардаги илмий марказларда олимларимиз малака оширган, аспирантура ва докторантураларда ўқиб, диссертациялар ёқлаган. Ўз навбатида, бошқа ҳудудлардан олимлар Ўзбекистондаги етакчи илмий мактабларда малака оширган ва илмий ишлари ҳамюрт қилган. Афсуски, кейинги ўн йилликда бундай алоқалар анча сустлашди, баъзи соҳаларда узилди, деса ҳам бўлади. Бу эса, албатта, фан ва таълим сифатида салбий таъсир кўрсатди.



Конференция

ПАРЛАМЕНТ ДИПЛОМАТИЯСИ ВА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ИСТИҚБОЛЛАРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Янги Ўзбекистон – янги дунёқараш: парламентда халқаро ҳамкорлик истиқболлари” мавзусида видеоконференция ўтказилди.

Парламент қўйи палатаси, Президент ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамда “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати томонидан онлайн тарзда ташкил этилган ушбу тадбирда депутатлар, соҳа мутахассислари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мамлакатимиздаги агентликлари ва дипломатик ваколатхоналар вакиллари, ЕХТнинг лойиҳалар координатори ҳамда журналистлар иштирок этди.

Тадбирни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов олиб борди.

Қайд этилганидек, ҳозирги вақтда Олий Мажлис палаталари БМТ, ЕХТ, ШХТ каби нуфузли халқаро ҳамда қатор хорижий давлатлар ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйган. Миллий миқёсда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда самарали механизмларни парламент амалиётига жорий қилиб бориш депутатлар фаолиятининг диққат марказидаги масалаларга айланган ва бунда қўйи палатанинг халқаро ҳамкорлиги сезиларли даражада кенгайган.



Эътироф

«Berliner Telegraph»:

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ – ҚАТЪИЙ ИСЛОҲОТЧИ

Германияда чоп этиладиган нуфузли “Berliner Telegraph” журналининг декабрь ойидаги сонидида Ўзбекистоннинг замонавий тараққиётига бағишланган тахлилий мақола эълон қилинди.



Engagierter Reformier Präsident Mirziyoyev

Муаллиф, таниқли немис сиёсатшуноси Маттиас Дорнфельд “Ўзбекистоннинг янги имижини: очкичилик ва ҳамкорликка тайёрлик” сарлавҳали материалда мамлакатимизда амалга оширилган кенг қўламли демократик ўзгаришлар, республика раҳбариятининг ташқи ҳамда минтақавий сиёсати ҳақида батафсил сўз юритган.

Мақолада Ўзбекистон Евроосиёнинг маркази ва Марказий Осиёдаги энг кўп аҳоли яшайдиган давлат сифатида минтақавий ҳамкорликда

ларини тикланди. Ўзбекистон минтақадан умумий иқтисодий ривожланиш, хавфсизлик ва барқарорликка интилоқда”, дея таъкидлайди сиёсатшунос.

Муаллиф, шунингдек, Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, қўшни мамлакатни иқтисодий қайта тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатларига алоҳида эътибор қаратган.

“2016 йилги Президент сайловидан сўнг Ўзбекистоннинг Афғонистонга нисбатан сиёсати янги туртки олди. У яхлит ёндашувга асослангани билан аҳамиятли. Президент Шавкат Мирзиёев Афғонистон хавфсизлиги унинг давлати хавфсизлик масаласи ҳамдир ва Афғонистондаги тинчлик жараёни минтақавий ва глобал кўн тартибда янада муҳим аҳамият касб этиши керак, деб ҳисоблайди”, дея қайд этган немис сиёсатшуноси.

Шу нуқтага назардан, Ўзбекистон Афғонистонга иқтисодий кўмак кўрсатаётгани маълум қилинди. Жумладан, мамлакат қўшни давлатни электр энергияси билан таъминламоқда. Термиз ва Афғонистон шимолдаги Мозори Шариф ҳудудларида темир йўл алоқасини кенгайтиришда иштирок этмоқда, янги темир йўл тармоқлари қурилишини тўла қўлаб-қувватламоқда.

Нашрда Ўзбекистон раҳбарининг кўлаб ташаббуслари Германиянинг Европа Иттифоқи Кенгашига раислиги даврида қабул қилинган ЕИ Марказий Осиё стратегиясининг мақсад ва вазифаларига мос келиши қайд этилган. Президент Шавкат Мирзиёевнинг иқтисодий ислохотлари бошлангандан буюн Европа Иттифоқи аъзо давлатлар, шу жумладан, Германия Ўзбеки-

стоннинг муҳим шериклари экани таъкидланган. Шу нуқтага назардан, 2019 йил январь ойида Ўзбекистон раҳбарининг ГФРга муваффақиятли ташрифи, шунингдек, Германия Федерал Президентини Франк-Вальтер Штайнмайернинг уша йил май ойида Ўзбекистонга жавоб ташрифи самарали бўлгани эсланди.

“Президент ва унинг ҳукуматининг ўзбек жамияти манфаатлари йўлидаги истиқболли ислохотлари Германия тузилмалари томонидан қатъий қўлаб-қувватланмоқда”, дейилади материалда.

Мақолада Президент Шавкат Мирзиёев томонидан БМТ Бош ассамблеясининг 75-сессиясида илгари сурилган янги халқаро ташаббусларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти очиб берилган. Шунингдек, республиканинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига сайлангани ҳам алоҳида қайд этилган.

“Шавкат Мирзиёев тўрт йил аввал Президент этиб сайлангандан буюн Ўзбекистоннинг ташқи ва минтақавий сиёсати сезиларли даражада ўзгарди. Катта ислохотлар бошланди, мамлакат очилди ва халқаро ташкилотлар доирасида мунтазам равишда муҳим ташаббуслар ва сиёсий тақдирларни илгари сурмоқда”, деб хулоса қилди Маттиас Дорнфельд.

Муаллиф Фарбда Президент Шавкат Мирзиёев МДХ маконидаги қатъий ислохотчи сифатида қабул қилинган ва айниқса, иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ҳақида гап кетганда, кутулган меҳмон сифатида эътироф этилади, деб таъкидлаган.

«Дунё» АА Берлин

Танзила НОРБОВЕВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси: ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИ БИЗ УЧУН ДАСТУРИЛАМАЛ БЎЛМОҚДА



Қонун ҳудудлар манфаатларига мос бўлсагина, маъқуллаймиз...

Ислохотларнинг жадал суръати, уларнинг қонуний асосларини тезкор шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида

Синовли кечаётган ҳозирги йилимиз ҳам тобора поёнига етиб бормоқда. Пандемия келтириб чиқарган мураккабликларга қарамай, барча жабҳада изчил саъй-ҳаракатлар давом эттирилиб, салмоқли ютуқ ва натижалар кўлга киритилаётди. Бу муваффақиятларда, албатта, Олий Мажлис Сенатининг ҳам салмоқли ҳиссаси борлиги бизни мамнун этади.

Президентимизнинг ҳар йил бошлангандан олдин Олий Мажлисга йўллайдиган Мурожаатномаси бизнинг фаолиятимизда дастуриламал бўлиб хизмат қилаётганлигини айтиш жоиз.

Сарҳисоб

олдинлари Сенат фаолиятида кузатилмаган ҳолат — пандемия шароитига қарамай йил бошидан буюн 10 та ялли мажлис ўтказилиб, уларда 60 га яқин қонунлар кўриб чиқилди.

Фақат кўриб чиқилди эмас, қонунлар ҳудудлар манфаатларига нечоғли мос ёки мос эмаслиги танқидий-тахлилий кўрилади бошланди. Ана шу мақсадда

маҳаллий Кенгашлар депутатлари, олимлар, экспертлар, тажрибали амалиётчилар ва жамоатчилик вакиллари фикрларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган. Қонилари баҳоланмаган 10 та қонун рад этилиши ана шу янги ҳаётда самарасидир.



Фаргона вилояти:

УЛКАН ЎЗГАРИШ ВА БУНЁДКОРЛИКЛАРДАН КЎНГАЛЛАРГА КЎЧАЁТГАН ОБОДЛИК



Жараён

“Водий гавҳари” дея таърифланувчи Фаргона вилояти ҳам янги-янгилари оғушида. Кундан-кунга янги манзара касб этаётган ҳудуд тисмолида кўркамлигу улғуворлик мужжасам.

Табиати, иқлими сингари дилқушо, меҳмоннавоз қадим дийёрнинг асрларни қаритган шаҳаро қишлоқлари бетакрор чиройи, хусну таровати билан бир-бириндан фарқланади.

Фаргона шаҳри, ипакчилар ва ҳунармандлар юрти Марғилон, латиф шаҳар Кўхон, қолаверса, Олтиариқ, Кува, Тошлоқ, Бувайда, Учқўприк,

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Мулқдорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 5 октябрда қабул қилинган Сенат томонидан 2020 йил 20 ноябрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги 913-ХII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Аxbоротномаси, 1993 йил, № 9, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2007 йил, № 4, 163-модда, № 9, 420-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2013 йил, № 12, 350-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 8, 383-модда, № 9, 510-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 4-модда, № 11, 792-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 9, 537-модда) 10-моддасининг биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Вилоят, туман, шаҳар ҳокими қонунда назарда тутилган ҳолларда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, деҳқон хўжаликлари ва фуқароларга эгалик қилиш, фойдаланиш учун ва ижарага ер беришга, ушбу субъектларнинг ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланишга бўлган ҳуқуқини бекор қилишга ҳақли».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 598-I-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Ер қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1998 йил, № 5-6, 82-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 4, 224-модда, № 11, 792-модда; 2020 йил, № 9, 540-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) 4-модданинг саккизинчи хатбошисидаги «ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) 5-модданинг: олтинчи хатбошиси чиқариб ташлансин; еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилари тегшишича олтинчи, еттинчи ва саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

еттинчи хатбошисидаги «ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) 5-модданинг: тўртинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин: «фуқароларга, юридик шахсларга эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш»;

ўн биринчи хатбошисидаги «ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) 7-модданинг: тўртинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин: «эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш»; тўққизинчи хатбошисидаги «ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

(Давоми 2-бетда).



МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ЕТАКЧИ АЁЛЛАРИ МУЛОҚОТИ

Кеча Марказий Осиё давлатлари етакчи аёлларининг мулоқотини ташкил этиш бўйича видеоконференцалоқа шаклидаги илк учрашув бўлиб ўтди.

Хамкорлик

Тадбирда Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари вакиллари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий Осиё учун преривентив дипломатия бўйича минтақавий маркази ҳамда БМТ Тараққиёт дастурининг Европа ва МДХ мамлакатлари бўйича минтақавий бюроси раҳбарлари катнашди.

Ўзбекистон Республикаси номидан Олий Махлис Сенати Раиси Танзила Норбоева иштирок этди. Учрашувда Марказий Осиёда давлатларо хамкорликни мустақамлашда хотин-қизларнинг ўрни, уларнинг давлат ва жамоат ишларидаги иштироки, ўзгаришларни рўёбга чиқариш ва ислохотларни амалга оширишга қўмаклашиш, шу жумладан, гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Иштирокчиларга Ўзбекистон Президентини раҳбарлигида ушбу соҳада амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида маълумот берилди. Мамлакатда гендер тенгликни таъминлаш бўйича амалга оширилган ишларни таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Катта таърибга ва муҳим натижаларга эга мамлакат сифатида Ўзбекистонда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, уларни уй-жой билан таъминлаш, жамиятда уларнинг ролини ошириш учун зарур шарт-шароит яратиш бўйича олиб борилаётган ҳаракатлар, умуман, маъруза йўналишида амалга оширилаётган ишлар Марказий Осиёда ижобий баҳоланмоқда.

Тадбирда таъкидланганидек, "Марказий Осиё давлатлари етакчи аёллари билан мулоқот" норасий механизмининг фаолияти минтақадда тинчлик ва хавфсизликни сақлашга, мамлакатлар ўртасидаги ишончни мустақамлашга, барқарор ривожланишга эришишга, давлат ва жамият бошқаруви, тадбиркорлик ти-

зимда аёлларнинг имкониятларини кенгайтиришга, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган лойиҳалар ва дастурларни амалга оширишни жадаллаштиришга ҳамда гендер тенгликни таъминлашга қўмаклашди.

БМТ Бош котибининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили, Марказий Осиё учун преривентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Н. Герман қайд этганидек, марказ муҳокамада учун платформа яратишда, кейинги ишларда, жумладан, минтақавий ва глобал хамкорлик алоқаларини кенгайтиришда ва таърибга алмашишда қўмақ беришга тайёр.

Мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизларнинг ролини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Иштирокчилари томонидан юқори баҳоланди. БМТнинг Марказий Осиё учун преривентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбарининг таъкидига қўра, 2021 йилда Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқотига раислик қилиш Олий Махлис Сенати Раиси Т. Норбоевага топширилди.

Учрашув иштирокчилари дастлабки йилдаги хамкорлик жиҳатлари ва норасий тузилманинг устувор йўналишлари бўйича таъкидларни ҳам қўриб чиқдилар.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, Марказий Осиё етакчи аёлларининг норасий мулоқоти фаолиятини таъминлаш бўйича комплекс таъкидлик масалаларни ҳал қилиш ва мазмунли ишларни рўёбга чиқариш режалаштирилган. Асосий мақсад — ўзаро таърибга алмашиш ва уларни ўз мамлакатларида қўллашдан иборат.

Минтақа мамлакатлари ўртасида хамкорликнинг мазкур янги формати минтақа мамлакатларида хотин-қизлар ролини оширишга қаратилган қарорларни бирликлда ишлаб чиқишда самарали механизм бўлиб хизмат қилиши тадбир иштирокчилари томонидан алоҳида таъкидланди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ («Халқ сўзи»).

БАЙРАМГА МУНОСИБ СОВГА

Шаҳрихон туманида 2-туғуруқ мажмуаси биноси фойдаланишга топширилди. Бу Янги йил байрами олдидан аҳолига муносиб совга бўлди.



Қулайлик

"Ихтисослашган Шаҳрихон қурилиш" МЧЖ томонидан 5 миллиард 587 миллион сўм маблаг эвазига бунёд этилган ушбу масканда барча шарт-шароит яратилган бўлиб, энг сўнгги тиббиёт жиҳазлари билан таъминланди.

— Фарзандларимиз камолотига эътибор туғуруқхонага бўлган эътибордан бошлана-

Саминжон ХУСАНОВ («Халқ сўзи»).

МАДРИДДАГИ КОМПЛУТЕНСЕ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУДУДИДА БУЮК АҲДОДИМИЗ МУҲАММАД ХОРАЗМИЙ ҲАЙКАЛИ ЎРНАТИЛДИ

Мадрид шаҳридаги Комплутенсе университетини ҳудудидан буюқ мутафаккир ва аллома Муҳаммад Хоразмий ҳайкалининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Биз ва жаҳон

Испаниянинг энг йирик олий ўқув юртлиридан бири бўлган Комплутенсе университети 1499 йилда ташкил этилган. Бугун у мамлакат олий таълим муассасалари орасида биринчи ўринда туради.

Муҳаммад Хоразмий ҳайкали физика, кимё ва математика факультетлари бинолари ўртасида жойлашган боғ ҳудудида ўрнатилди. Тадбирда университет раҳбарияти, Испания илмий жамоатчилиги вакиллари, талабалар ва ўзбекистонлик ватандошлар иштирок этди.

Ўзбекистоннинг Испаниядаги элчиси Жаҳонгир Фаниев э.с.с.да буюқ мутафаккир ва олим, бобокалонимиз Муҳаммад Хоразмийнинг кашфийотлари билан дунё илм-фани ривожига беқиёс хисса қўшганини таъкидлади.

Шунингдек, элчи Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида тўхталиб, мазкур тизимнинг асоси бўлган мактабга таълимни ривожлантириш бўйича қатор чора-тадбирлар, жумладан, 2030 йилгача таъ-

Фарғона вилояти:

УЛКАН ЎЗГАРИШ ВА БУНЁДКОРЛИКЛАРДАН КЎНГИЛЛАРГА КЎЧАЎТГАН ОБОДЛИК

Эзгу ниятлар рўёби амалга боғлиқ...

Қадимда ота-боболаримиз айни пишиқчилик пайтлари муосфирлар чанқоғини қондириши учун атайлаб кўча эшикларини очиб қўйишар экан. Бугун эса юрт дарвозалари дунё аҳли учун кенг очилди: етти климдан ташриф буюрадиган дўсту қадрдонларимиз бемалол келиб-кетадиган бўлди.

Хозирги кунда вилоятда 50 га яқин давлатларнинг нуфузли ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилган. Япониянинг "JICE" жамғармаси, Корея — Ўзбек бизнес ассоциацияси, Осиё тараққиёт банки, Ислон хамкорлик ташкилоти, Туркиянинг "ГЭБСЕ" сингари тузилмалари шулар жумласидан.

Куваей шаҳри Латвиянинг Руйена шаҳри, Риштон тумани Озарбайжоннинг Исмаили тумани, Фарғона тумани Қирғизистоннинг Ат-Баши тумани билан бирдорлашган. Яқинда Марғилон ҳамда Исроилининг Рама шаҳри ўртасида ана шундай битим имзоланиши кутилмоқда.

Бугун вилоятда 15 га яқин олий таълим муассасалари фаолияти ташкил этилган бўлиб, улар орасида Латвия, Жанубий Корея таълим масканлари бор. Вилоятда яқин вақт ичидан Туркия, АКШ олий таълим даргоҳлари филиаллари очилиши режалаштирилган.

Бинобарин, жорий йилда Фарғона вилояти ЮНЕСКО томонидан дунёнинг илм-фан ривожланган энг яхши шаҳарлари рўйхатида киритилгани бежиз эмас, албатта.

"Тадбиркорлар уйи": эътибор ва рағбат

Барчамизга яхши аёни, ташаббус йўқ жойда, тараққиёт бўлмайди. Фарғона вилояти ҳокими вазиқасини бажарувчи Ҳайрулло Бозоров фаолиятининг илк кунларида Фарғона шаҳрида вилоят "Тадбиркорлар уйи", шаҳар-туманларда ҳам шундай масканлар ташкил этилиши ташаббускорни бўлди.

Вилоят ҳокими хар душанба кунини, яъни ҳафталик иш кунини "Тадбиркорлар уйи"да муаммо ва масалаларни ўрганиш, самийий мулоқот билан бошлайди. Ўтган қисқа фурсат мобайнида вилоят, шаҳар-туманлардаги юзма-юз суҳбатлар орқали юзлаб тадбиркорларнинг мушуқли осини бўлиб, янги-янги истиқболли лойиҳалар, ташаббуслар ҳаётга татбиқ этилишига эришилди.

Эътиборлиси, бундай эътибор ва рағбатдан руҳланган пойтахт, қўшни Андижон ва Наманган вилоятларида яшовчи ўнлаб тадбиркорлар Фарғонада ҳам ўз бизнесини йўлга қўйиш мақсадида вилоят ҳокими қабулига келмоқда.

— Тадбиркорни қўллаб-қувватлаш, ташаббусларини рўёбга чиқаришга қўмаклашиш барча бундаги раҳбарларнинг энг устувор вазиқасига айланмиш зарур, — дейди вилоят раҳбари. — Агар бизнес-лойиҳа истиқболли, аниқ ва пишиқ-пухта бўлса, шахсан ўзим бундай тадбиркорлар билан елкама-елка ишлашга доим тайёрман.

Ҳайрулло Бозоров вилоятнинг анклав ҳудудлари — Сўх тумани, Фарғона туманининг Шохимардон ва Ердон

қишлоқларидан тортиб, вилоятнинг барча туманларида ўнлаб лойиҳаларни қўллаб-қувватлаб, тадбиркорлар ва корхоналар эгалари фаолиятини янада кенгайтириши, янгиларини ташкил этиш, фаолиятини тўхтатгани қайта тиклашга қўмаклашиш каби жиҳатларга жиддий эътибор қаратмоқда.

Кўркам уйлар — ободлик белгиси

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Фарғона вилоятида ҳам улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Вилоят маркази, шаҳар ва қишлоқлари қиёфаси тубдан ўзгариб, аҳоли ҳаёт даражаси юксалиб бормоқда. Бунинг ортидан, одамларнинг онгу тафаккурида, дунёқарашида, ҳаётга, меҳнатга муносабатидан улкан ўзгаришлар рўй берди. Энг муҳими, улловур ва бетақдор иморатлари бунёд этаётган халқимизнинг гуруғи гуруғ қўшилиди, ҳаётда ўз қадрини билиб яшашга ўрганди.

Йил дастурига қўра, вилоятда 2 258 та қўп қаватли уй-жойлар қурилиши белгиланган. Бугунги кунгача қарийб 700 та уй-жойларда қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами учун 600 та арзон уй қуриляпти.

Замонавий қўп қаватли уйлар қурилиши борасида Фарғона туманида нафақат вилоят, балки республика миқёсида ўзига хос таърибга эга шаклланди. Айни жараёнда Марғилон ва Қўқон шаҳарлари ҳамда туманларда қўп қаватли уйлар қурилиб, янги маззелар ташкил этилаётгани вилоятда қурилиш-бунёдкорлик ишлари салмоғи нечоғли улкан эканигидан далолат.

Фарғона шаҳрининг Мустақиллик мавзесида маҳаллий қурувчилар томонидан иккита 16 қаватли уй қуриб чиқазилди. Яқин истиқболда мазкур бунёдда жаҳоннинг энг илғор шаҳар-созлик мейморчилик аъёнларининг асосида 20 қаватдан 30 қаватгача бўлган осмонлир билнолар қурилиши режалаштирилмоқда.

Ислохотлар ташаббускорлари

Президентимиз шу йил 5-6 июнь кунлари Фарғона вилоятига ташириқ чоғида бир қатор эзгу ташаббусларнинг илгари сурди. Давлатимиз раҳбарининг "Фарғонанинг тадбиркори — ислохотлар ташаббускори" бўлиши керак, деган ҳаётбахш гоёси тадбиркорлар ўртасида кенг қулоч ёзди.

Бугун вилоятда 34 420 та кичик ва хуссий тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтган бўлиб, вилоят ялли ҳудудий махсулоти ҳажмида уларнинг улуши 65 фоиздан кўпроқни ташкил этади.

Пандемия шароитида фаолияти бир оз сустлашган 4 144 та тадбиркорлик субъектларига қўмаклашилди. Вақтинчида ишини тўхтатишга мажбур бўлган 1 780 та юридик шахслар тўлиқ ўз фаолиятини тиклади. Шу йилнинг тўққиз ойи якунига қўра хизмат қўрашати соҳасида 3 173 та кичик корхона ва фирмалар ўз фаолиятини бошлади.

"Қўқон" эркин иқтисодий зонасида

2020-2021 йилларда қиймати 166,1 миллион доллар бўлган 45 та инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда 4,5 мингта янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилган. Ўз навбатида, шаҳар-туманларда ташкил этилган 26 та кичик санаот зоналарида тадбиркорларни кенг жалб этиш, вилоятда яна 50 та кичик санаот зоналари барпо этиш белгиланди.

Айни пайтда вилоятда қўша ва хоржий корхоналар сони 460 тадан ортиди. Марказий Осиёда ягона рентген аппаратлари ишлаб чиқарувчи "Листем Ферғана", цемент ишлаб



РАҚАМЛАР ФАРОВОН ҲАЁТДАН ДАЛОЛАТ

Жорий йилда вилоятда 423,4 МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК тўғридан-тўғри хоржий инвестиция ўзлаштирилиши режалаштирилган.

Шу йилнинг ўн бир ойида вилоятда 506,3 МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК экспорт амалга оширилди. Экспорт ҳажмининг 198,7 МИЛЛИОН ДОЛЛАРИ қишлоқ ҳўжалиги, 307,6 МИЛЛИОН ДОЛЛАРИ санаот маҳсулотларини ташкил этмоқда.

Айни пайтда вилоятда 653 ТА экспортёр корхона мавжуд бўлиб, охириги бир йилда уларнинг сони 136 ТАГА кўпайди.

Фарғонадан жаҳоннинг 50 ДАН ортқ давлатларига экспорт амалга оширилди. Бу йил экспорт географияси Молдова, Перу, Колумбия, Таиланд, Сингапур каби яна 5 ТА мамлакат ҳисобига кенгайди.

Экспортни янада кенгайтириш мақсадида 102 ТА тижорат таклифлари ишлаб чиқилди. Натижада 2020 йил якуни билан экспорт ҳажмини 546,8 МИЛЛИОН ДОЛЛАРГА етказиш кутляпти.

Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 2 505 ТА янги лойиҳа шакллантирилди.

Бу 75 МИНГДАН ЗИЁД иш ўринлари яратиш имконини берди.

Инвестиция дастури асосида жорий йилда 336 ТА ижтимоий ва инфратузилма объектларида 731,4 МИЛЛАРД СЎМЛИК қурилиш, реконструкция қилиш ва муқаммал таъмирлаш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган.

чиқариш бўйича "Ясин қурилиш", сантехника жиҳозлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "EkoKerama", санаот махсулотлари тайёрловчи "Fergana Global textile" сингари корхоналар фаолиятига бир борадаги янги ташаббуслар доирасида асос солингани қувонарлидир.

Ер билан «тиллашадиган»лар юрти

Фарғона вилоятида қишлоқ ҳўжалиги, хусусан, пахтачилик ва галлачилик соҳасида ўзига хос таърибга эга таърибга эга шаклланди. Бу соҳага илмий ва инновацион гоғлар кенг татбиқ этилаётгани, пахта-тўқимачилик кластерлари фаолияти йўлга қўйилгани қисқа фурсатда ўз самарасини кўрсатди.

Шунингдек, вилоятда наслик чор-ва, паррандачилик, балиқчилик, асарларчилик, боғдорчилик ва пиллачилик соҳаларида ҳам янгича ёндашувлар ота-боболардан мерос ҳаётий таърибани замонавий мезонлар асосида ривожлантириш имконини бермоқда.

Озиқ-овқат махсулотлари ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва ички бо-

зорни тўлдириш мақсадида иссиқхона ва кўенчилик ҳўжаликлари ташкил этилди. Иссиқхоналарда табиий манбалардан омиликорлик билан фойдаланган ҳолда, қишда ҳам аҳолига юқори сифатли сабзавот махсулотлари етказиб берилаётир.

Бу йил вилоятда 1 миллион 529 миң тонна мева-сабзавот етиштирилди. Бу, вилоятнинг 3 миллион 842 миң аҳолиси эҳтиёжини тўла қоплайди. Қўш-қўш мавсуми захираси учун қуввати 124,3 миң тонналик 1 188 та омборхоналарга қундалик зарур озиқ-овқат махсулотлари жамғирилди.

Вилоятдаги 1 041 та маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қилувчи 584 миңдан зиёд томоқра ер эгалари бўйича электрон база яратилди. Хозирги кунда қарийб 16 миң аҳоли хонадонларидаги 394,4 гектар томоқра ерида иссиқхона-лар мавжуд. Айни жараёнда туманлар деҳқончилик борасида ихтисослаштиришга алоҳида эътибор қаратилляпти. Айтайлик, Олтиарқ тумани узум, Қува анор, Фарғона тумани малина, Езёвон балиқ, Куваей шаҳри гилос етиштиришга ихтисослаштирилди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Хуллас, бугун тараққиёт барча соҳада, ҳамма жойда юз бермоқда. Фарғонада ҳам тараққиётдан беғона ҳудуд йўқ. Масалан, илгари олис ва чекка ҳудуд деб ҳисобланган Сўх тумани ёки Шохимардон қишлоғидаги шароит ва қулайликлар ҳам бугун ҳавас қилгудек.

Айтайлик, бугун Сўхга келган киши кейинги йилларда бу ерда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилганининг гувоҳи бўлади. Янги иншоотлар, маҳалла гузарлари, таълим муассасалари, муҳташам маданият ва спорт саройлари, равон йўллар, боғ ва ҳиббонлар барпо этилди.

Олис тоғли ҳудудда жойлашган Шохимардон аҳли ҳам кейинги йилларда рўй бераётган ангиланишлардан руҳланиб, янада самарали меҳнат қилмоқда. Худуд, асосан, мева-сабзавот етиштиришга ихтисослаштирилган. Давлатимиз томонидан тадбиркорлик фаолияти учун кенг имкониятлар яратиб берилаётгани қишлоқ аҳолисига қўп келмоқда. Қишлоқда бугун деярли бирор бекорчини учратмайсиэ. Ҳамма ўз юмуши билан банд. Савдо ва маиший хизмат қўрашати тармоқлари — дўконлар, сартарошхона, сураатохона, темирчилик, хунармандчилик устаноналари, автомобилларга техник хизмат қўрашати устанонаси, "Гузалик салони", хуллас, замонавий ҳаёт кенчириш учун мина зарур бўлса, барчаси шу ернинг ўзида муҳайё...

Булар шунчаки оддий факт ва рақамлар эмас. Уларнинг замирида Фарғона вилоятида ҳам дунёда ҳеч қимдан кам бўлмаган шароитлар яратиш, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган интилишлар натижаси мўжассам.

Энг асосийси, бугун фарғоналикларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, мамлакатимиз тараққиётига дахлдорлигидан мамнуллигини изҳор қилади. Ўзининг келгусидаги мақсад ва режалари ҳақида тўққиланиб гапирди ва буларнинг барчасини Президентимиз раҳнамолигида халқимиз манфаатини қўлаб амалга оширилаётган шиддатли ислохотлар самараси, деб билди.

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

КИЙИНИШ МАДАНИЯТИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Тошкент тўқимачилик ва энгил санаот институтида аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кийиниш маданияти тарғиботини ташкил этишга қаратилган "Нафосат — 2020" фестивали доирасида Ёш дизайнерлар, соҳа мутахассислари ҳамда талабалар иштирокида давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбати

Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда Олий Махлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси, Сенат ҳузуриндаги Ёшлар парламенти аъзолари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазиқлиги, "Ўзтўқимачилик санаот" уюшмаси мутасаддилари, Тошкент тўқимачилик ва энгил санаот институтини профессор-ўқитувчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари катнашди.

Таъкидланганидек, "Нафосат — 2020" фестивали доирасида ўтказилаётган бу каби тадбирлар тавсия хусусиятига эга бўлиб, вайжон ва эътиқод эркинлиги асосида халқимизга мос кийиниш маданиятини тарғиб қилишга қаратил-

ган. Айни чоғда ёшлар орасида кийиниш маданиятини ривожлантириш, миллий кийимларнинг замонавий услубдаги андозаларини яратиш, турли соҳаларда фаолият юритаётган аёлларнинг кийиниш услуби борасида тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадидаги хизмат қилади.

Давра суҳбатида иштирок этган дизайнерлар, соҳа мутахассислари ва талабалар томонидан замонавий ўзбек аёли имижини буйича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Қолаверса, замонавий моданинг миллий менталитетимизга мос ангиланларидан фойдаланиш, уларни ўзимизга мослаштириш юзасида ҳам тақлифлар билдирилди.

Тадбир доирасида Тошкент тўқимачилик ва энгил санаот институтини талабаларининг мода йўналишидаги ижодий ишланмаларидан тарқиб топган кўргазма намоийиши ҳам бўлиб ўтди.

«Халқ сўзи».

Асқад Мухтор таваллудининг 100 йиллиги

Мамлакатимизда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухтор таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ўтказилди. Унда шoir-ёзувчилар, адабиётшунослар, адибнинг оила аъзолари, яқинлари ва ёшлар катнашди.

АДАБИЁТИМИЗ ЧИНОРИ

Тадбир аввалида иштирокчилар адабнинг "Чигатой" қабристонидан абадий қўним топан манзилни зиёрат этишди. Бу ерда марҳумнинг руҳига қўрқон тиловат қилинди.

Ижодкор яшаган уйда ёдгорлик лавҳи ўрнатилди. Ёзувчи билан боғлиқ ёрқин хотирлар эрга олдин.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ўтказилган "Эл-юрт керак экан одамга", деб номланган хотира кечасида Президентимиз томонидан мамлакатимизда маънавият ва маданият соҳаларини ривожлантиришда, ёшларни она Ватанга садоқат, миллий анъана ва қадриятларга хурмат руҳида тарбиялашда адабиётимиз намояндалари хотирасини абадийлаштириш, ижоди ва фаолиятини кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилганга таъкидланди.

Пойтахтимизда кўркам Адиллар ҳиббон ташкил этилган, ёзувчи ва шоирларнинг асарлари қайта нашр қилиниб, юбилей саналари тантанали



нишонланаётгани бу борада муҳим аҳамият касб этапти. Вазирилар Маҳкамасининг 2020 йил 23 ноябрдаги фармойишига мувофиқ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухтор таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан таълим муассасаларида, харбий қисмларда, маҳалларда турли маърифий тадбирлар, хотира кечалари ўтказилмоқда.

Тадбирда кайд этилганидек, Асқад Мухтор XX асрнинг 30-йиллари охирида адабиёт майдонига кириб келган, унинг кўп қиррали ижодида замондошларимиз, айниқса, Ўзбекистон аҳолиси ҳаёти ва тафаккурида юз берган энг муҳим ўзгаришлар бадиий ифодасини топган.

Асқад Мухтор ўзига хос шеърлий асарлари орқали ўзбек адабиётида янгича интеллектуал философия лириканинг шаклланишига катта хисса

2021

Азиз юртдошлар, мижозлар ва ҳамкорлар!

Чет эл капитали иштирокидаги
“Hamkorbank” акциядорлик тижорат банки
Сизни ва яқинларингизни
Янги — 2021 йил билан қутлайди.
Янги йилда оилавий баркамоллик,
мустақкам соғлиқ, барча бошлаган ва
бошламоқчи бўлган ишларингизда омад
ҳамда улкан ютуқлар тилаймиз.
Хонадонингизни қувонч, файзу барака
ва бахт тарқ этмасин.

**2021 йилингиз
муборак бўлсин!**

НАМКОРБАНК

Aloqa markazi / Контакт центр 0 800 1-200-200

facebook.com/HamkorBank.uz t.me/Hamkorbankuz
@hamkorbank_jscb www.hamkorbank.uz

Муҳтарам ҳамюртлар!
Тошкент молия институти жамоаси
Сиз, азизларни яқинлашиб келаётган

2021 йил

билан самимий муборакбод этади!

Янги Ўзбекистонимиз равнақи ва халқимиз
фаровонлиги йўлида амалга
ошираётган барча эзгу ишларингизда
улкан зафарлар тилайди.

Янги йил оилангизга бахт,
тинчлик-хотиржамлик,
соғлиқ ва омонлик олиб келсин!

GALLA ALTEG
AKSIYADORLIK JAMIYATI

Қадрли юртдошлар!
Барчангизни яқинлашиб келаётган

Янги — 2021 йил

билан қизғин табриклаймиз!
Янги йилда ҳам ҳар қачонгидек
осмонимиз мусаффо бўлишини
Яратгандан сўраб қоламиз.
Дастурхонингиз тўкин,
ҳаётингиз сокин бўлсин, азизлар!

**«ТОШКЕНТ СУВ ТАЪМИНОТИ»
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН
ЖАМИЯТИ**

Тошкент вилояти халқ депутатлари Кенгашининг 2020 йил 19 декабрдаги VI/XXI-X-сон қарорига асосан, 2021 йилнинг 7 январидан бошлаб истеъмолчиларга етказиб бериладиган ичимлик суви ва оқова хизматлари нархлари ўзгаришини маълум қилади.

Аҳоли учун ичимлик суви: 1 м³ — 950 сўм, устама ҳақ — 50 сўм.

Бюджет ташкилотлари учун ичимлик суви: 1 м³ — 4 000 сўм, устама ҳақ — 50 сўм.

Бошқа ташкилотлар учун ичимлик суви: 1 м³ — 4000 сўм, устама ҳақ — 50 сўм.

Аҳолига оқова хизматлари учун: 1 м³ — 700 сўм, устама ҳақ — 50 сўм.

Бюджет ташкилотларга оқова хизматлари учун: 1 м³ — 1300 сўм, устама ҳақ — 50 сўм.

Бошқа ташкилотларга оқова хизматлари учун: 1 м³ — 1300 сўм, устама ҳақ — 50 сўм.

Эслатма: Тошкент вилояти ҳокимининг 2019 йил 13 мартдаги 200-сонли қароридан белгилаб берилган топшириқ ва таклифлар ижросини таъминлаш мақсадида 2019 йилнинг 1 мартидан вилоятда ичимлик суви таъминоти ва канализация хизматларига — 1 м³ учун 50 сўм махсус устама ҳақ белгиланган.

Маълумот учун: ҳисоблаш ускуналари бўлмаган истеъмолчилар учун совуқ сув хизмати бўйича тўловлар белгиланган тарифларга ошиб борувчи 1,5 коэффицентини татбиқ этиш билан амалга оширилади.

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети жамоаси ва Касаба уюшма қўмитаси университет ректори, профессор Садриддин Туробжоновга волидаи муҳтарамаси
Нафиса ТУРОБЖОНОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1256. 29 828 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақдаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шеркулов.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 22.25 Топширилди — 00.25 1 2 3 4 5 6